

Гап  
уқмаган  
жон



4-бет

Уруш ёди  
билан  
ҳазиллашиб  
бўлмайди



5 бет

Ҳоким  
қароридан  
бошқаси  
бир пул(ми)?



6-бет

Бухоролик  
“дунё кўрган”  
хонимнинг  
қилмишлари



8-бет



# ИНСОН ҚОНУН

5 май 2020 йил / № 11 (1215)

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)

[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

## УЙДА ҚОЛИНГ!

*Ўзингизни ва  
яқинларингизни  
асранг!*



### ЁМОН ТОШ ОТАДИ...

### ЯХШИНИНГ БОШИ ҚОТАДИ

Ёхуқ саккиз йиллик сарсонгарчиликка яхшилар  
ёрғамуда чек қўйилгани ҳақида...

**Салим ҲАЗРАТОВ:**

— Ҳақиқатан ҳам жуда кўп йиллардан буён турли идораларга бош уриб, ҳақиқат қарор топишдан умидвор эдим. Ҳақимни талаб қилиб, катта-кичик ташкилотлар, прокуратура, суд, ҳокимият, адлия идораларининг кўпчилигига бир неча марта ёзишга мажбур бўлгандим. Депутатга мурожаат қилдим. Адлия вазирлигининг “Инсон ва қонун” газетаси таҳририятига ёздим. Газетада мақола эълон қилингандан сўнг саккиз йил чўзилган иш яқун топди. Мана бугун шаҳар ҳокимлигида ҳокимият, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва маҳаллаамиз худудидан сайланган депутат ҳамда қурувчи ташкилот раҳбари иштирокида “Қизилтепа бетон қурилиш монтаж сервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Амриддин Маҳмудов томонидан қилган хизматларим учун 25 миллион сўм компенсация тўлови тўлаб берилди. Бунинг учун менга эътибори ва адолатли қарори учун Навоий шаҳар ҳокими Муҳиддин Базаровдан, ари-

замни атрофлича ўрганиб, журналист суриштируви ўтказган “Инсон ва қонун” газетаси таҳририятдан, халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати Санжар Қурбоновдан, “Қизилтепа Бетон қурилиш монтаж сервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Амриддин Маҳмудовдан миннатдорман.

Отаҳоннинг бу миннатдорлик изҳориди халқимиз бошига тушган оғир имтиҳонлар даврида инсонийлик, одамийлик, инсоф ва диёнат туйғулари қайта-қайта синовдан ўтаётганлигини яна бир қарра ҳис этгандек бўлди. Энг муҳими, кекса отахон энди саргардон бўлмайди.

Эслатиб ўтамиз, бу муаммо, бу чўзилган қарз Навоий шаҳрида фаолият юритиб кетган бир неча ҳокимлар даврида эътиборсиз қолдирилган ва ҳал этилмагандан келинган. Инсон ҳуқуқи ва манфаати ҳар қандай нарсадан, ҳатто вақтдан ҳам устун деб ҳисоблаган шаҳар ҳокими Муҳиддин Базаров бу муаммога ечим толагани эътиборга лойиқ.

**ИНСОН** ҳаётдан ҳамиша эзгулик ва яхшилик ахтарди, орзу-ниятлари амалга оширидан умидвор бўлиб яшайди. Бошига қийинчиликлар ёки ноҳақликлар тушган дамларда дардини айтиб, кимдандир ёрдам сўрайди, Яратгандан ишонч билан марҳамат кутади. Саккиз йилдан буён кесилган дарахтларига товон пули ололмай анча-мунча сарсон-саргардон бўлиб юрган отахон Салим Ҳазратовнинг изтироблари ҳақида “Инсон ва қонун” газетасида ва газетамиз сайтида “Ҳаққини сўраганинг халқумидан олиш керакми?”, деган мақола чоп этилган эди.

Муҳбиримиз муборак Рамазон ойи оstonасида мақола қаҳрамони Салим Ҳазратовга Навоий шаҳар ҳокими Муҳиддин Базаров ташаббуси ва бевосита назорати туфайли “Қизилтепа бетон қурилиш монтаж сервис” масъулияти чекланган жамият раҳбари Амриддин Маҳмудов томонидан бир неча йил аввал кесилган дарахтлар учун компенсация пули тўланганлиги ва отахоннинг миннатдорлик сўзлари ҳақида хабар беради.

## АДЛИЯ ТАДБИРКОРГА БЕМИННАТ ДЎСТ ЭКАНЛИГИГА АМАЛДА АМИН БЎЛДИМ

Ассалому алайкум ҳурматли “Инсон ва қонун” газетаси жамоаси!

Мен “HUSNIYAHON PLYUS” МЧЖ жамоаси ва ўз номимдан газетангиз орқали фидойи қасб эгалари бўлмиш Тошкент вилояти Бўстонлик туман адлия бўлими ходимларига миннатдорчилик билдиришни истар эдим. Жорий йилнинг 5 февраль куни мазкур МЧЖ раҳбари сифатида Бўстонлик туман адлия бўлимига шикоят-ариза билан мурожаат қилдим. Унда туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2019 йил 12 июнь куни ўртамаизда тузилган 7/1 ва 7/2-сонли шартномалар талабларига кўра, корхонамиз барча қурилиш ва пудрат ишларини ўз вақтида бажариб фойдаланишга топширган бўлса-да, 1.164.471.328 (бир миллиард бир юз олти миш тўрт миллион тўрт юз етмиш бир минг уч юз йигирма саккиз) сўм пул маблағи тўлаб берилмагани, натижада корхонанинг 333 нафар ходими ойлик маошсиз қолгани, шунингдек, корхонамиз солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздор бўлиб, Картотека-2 тизимига тушиб қолгани маълум қилинган эди. Менинг мурожаатим адлия бўлими бошлиғи О.Холиқов ва бош маслаҳатчиси Х.Сайпиев томонидан қисқа муддатда ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижасига кўра, адлия бўлими томонидан Чирчиқ туманлараро иқтисодий судига қиритилган “HUSNIYAHON PLYUS” МЧЖ фойдасига 1.164.471.328 сўм асосий қарз ва 214.315.641 (икки юз ўн тўрт миллион уч юз ўн беш миш олти юз қирқ бир) сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво ариза суднинг хал қилув қарори билан қаноатлантирилди.

Биз каби иқтисодий муаммолар гирдобига тушиб қолган тадбиркорлар фаолиятига беминнат ёрдам кўрсатиб келатган Бўстонлик туман адлия бўлими О.Холиқов ва бош мутахассис Х.Сайпиевга шахсан ўзим ва корхонамизнинг 333 нафар меҳнаткашлари ҳамда уларнинг оила аъзолари номидан чексиз миннатдорчилик билдирар эканман, адлия органлари тадбиркорга ҳамиша кўмакчи, дўст эканлигига яна бир бор амин бўлди.

Ҳурмат ва эҳтиром билан,  
**Шавкат ХУШВАҚТОВ,**  
“HUSNIYAHON PLYUS” МЧЖ раҳбари

Ишсизлик, иқтисодий ва ижтимоий пасайиш — буларнинг барчаси корона-вирус пандемияси билан боғлиқ бўлмоқда. Шу ўринда, дунё бўйлаб карантин чекловлари жорий этилган пайтда жиноятлар сони ошадими ёки камайди, деган табиий савол туғилади.

**Б**У савол, қонун жиноятларга қарши курашиш учун доим “шай” туришини, амалиётчилар, тадқиқотчилар, олимлар томонидан билдирилаётган таҳлилларга асосланиб, коррупция орқали муайян соҳаларда юзага келадиган жиноятчиликка қарши кураш кучайтирилиши ёки жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилишини мақсад қилади.



Гардианнинг (Guardian) маълумотларига кўра, ўрнатилган чекловлар гиёҳванд воситаларига бўлган талабни камайтирмаган ва Буюк Британиянинг Жиноятга қарши кураш миллий агентлиги 2020 йилда уларнинг айланмаси билан боғлиқ жиноятларни 50 фоизга ўсганлигини қайд этган.

“Табиий офатлар кримнологияси” фавқуллодда вазиятлар пайтида жиноий хатти-ҳаракатларни ўрганади. Унга кўра, фавқуллодда вазиятлар шароитида қонунчилик назорати сусаяди ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими издан чиқади, юз минглаб одамлар барча мавжуд воситалар билан тирик қолиш учун курашишга мажбур бўлади ва оқибатда жиноятчилик ортади.

**Пандемия даврида жиноятларнинг умумий сони нисбатан камайди, бироқ айрим турдаги жиноятлар ўсишда давом этади.**

Албатта, карантин даврида одамлар ихтиёрий равишда ўз-ўзини яқкалаш натижасида ижтимоий алоқалар, яъни жиноятлар содир этилиши мумкин бўлган манбалар камайди. Куйида ўсиши ёки камайиши эҳтимоли юқори бўлган жиноят турларини қисқача кўраемиз:

**АВВАЛАМБОР, карантин чекловларини назорат қилиш бўйича давлат ташкилотлари ва идораларига қўшимча ваколатлар берилиши ёки давлатнинг муайян фаолият турлари устидан назоратнинг сусайиши коррупция жиноятларининг сони ошишига сабаб бўлади.**

Албатта, ҳеч бир давлат коррупциядан бутунлай қутулмаган. Улар бир-бирига нисбатан фарқ қилади, холос.

**Пандемия шароитида эса, асосан, йирик ва майда коррупция турлари ўсади дейиш мумкин.**

Хусусан, ноқонуний пул айланмалари йирик коррупцияга йўл очиб берса, карантин чекловларини назорат қилишда, жумладан, турли руҳсатномалар беришда, ноозик-овқат маҳсулотларининг сотуви, транспорт воситалари ҳаракатларининг чекланишини назорат қилишда майда коррупция ҳолатлари юзага келиши мумкин.

**ИККИНЧИДАН,** белгилан-

ган карантин чекловлари сабабли оиладаги зўравонлик ҳолатлари кўпайиши ҳақида ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Карантин сабабли агрессия ва спиртли ичимликлар ичишга мойил бўлганлар энди кафега ёки дўстлари ёнига бормайди. Ушбу турдаги маиший жиноятчиликнинг ошаётганлигига кўплаб мамлакатлар гувоҳ бўлиб улгурган ва унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, оммавий карантин чораларини биринчи бўлиб қўллаган Хитойда бу даврда уйдаги зўравонлик бўйича даъволар сони уч баравар кўпайганлиги қайд этилган. Мамлакатда аллақачон ажралишлар сони кўпайган.

**УЧИНЧИДАН,** карантин даврида ўғирлик ва фирибгарлик жиноятлари даражасини ҳам таҳлил қиладиган бўлса, жиноятчиликка оид ўз статистик хабарларни эълон қилган давлатларнинг маълумотларига кўра, ўғирлик муайян даражада камайган. Бироқ бу кўрсаткич карантиннинг давом этиш пайтига боғлиқ бўлишидан қўрқимсоқда. Ўғирликнинг ортиши асосан, ижтимоий ҳимояга муҳтожликдан ёки турли корхоналар, савдо ва умумий овқатланиш объектларининг ёпилиши билан боғлиқ бўлади. Бундай пайтда, қаровсиз объектлар ва машиналар учун хавфли вазият юзага келади. Шу са-

бабли кузатув камераларига нисбатан талаб ошади.

Фирибгарлик жинояти эса карантин пайтида одамларда шаклланиб улгурган раҳмдиллик, ишончни суистеъмол қилиш, тақиқларни чеклаб ўтиш истагидидаги шахсларга ёрдам кўрсатиш орқали содир этилишини тахмин қилиш мумкин. Айниқса, карантин даврида он-лайн хизматларга бўлган талабнинг ошиши хизматлар кўрсатиш ёки бошқа яширин мақсадлардаги он-лайн фирибгарликлар сонини оширади. Бундай шароитда, айниқса, кекса кишиларнинг фирибгарлик “қурбон”ига айланиши эҳтимоли кўпроқ.

**ТўРТИНЧИДАН,** умумий овқатланиш корхоналарининг (кафе, ошхона, ресторан) ёпилиши мастлик ҳолатида содир этиладиган жиноятлар, хусусан, турли даражадаги тан жароҳати етказиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар сонини камайтиради. Бундан ташқари, қотиллик жиноятлари даражаси ҳам тушади.

**БЕШИНЧИДАН,** гиёҳванд воситалар савдоси билан боғлиқ жиноятчилик даражасини таҳлил қиладиган бўлса, Гардианнинг (Guardian) маълумотларига кўра, ўрнатилган чекловлар гиёҳванд воситаларига бўлган талабни камайтирмаган ва Буюк Британиянинг Жиноятга қарши кураш миллий агентлиги 2020 йилда уларнинг айланмаси билан боғлиқ жиноятларни

50 фоизга ўсганлигини қайд этган.

Шунингдек, карантин давридаги коррупция ҳолати ва жиноятлар кўрсаткичи карантин тугаганидан сўнг шу ҳолатда қолади, деб айта олмаيمиз.

Гап шундаки, табиий офатлар ва эпидемиялар узоқ вақт давомида жиноий вазиятни ўзгартира олмайдими.

**Пандемиядан кейинги дунёда коррупция ва жиноятчиликнинг кучайишини кутишимиз керакми?**

Албатта, пандемия натижасида дунё бўйлаб миллионлаб одамлар ишларидан, жумладан, даромад манбаидан айрилади. Тўғри, **бойлик — коррупция — жиноятчилик** тушунчалари ўртасида боғлиқлик бўлса-да, воқелик анча мураккаб. Кримнологик тадқиқотлар ушбу муносабатлар ўртасидаги боғлиқлик ҳали тўлиқ тушунилмаган мураккаб эканлигини бир неча бор исботлаган. Назарий жиҳатдан, даромаднинг пасайиши порахўрлик ва мулк билан боғлиқ жиноятларнинг кўпайишига олиб келиши мумкин, ammo баъзи ҳолларда бундай бўлмаган. Масалан, 2008 йилдаги глобал иқтисодий инқироз “жиноятчиликнинг кескин пасайиши”ни тўхтата олмаган.

Шу ўринда халқимизнинг инсонпарварлик, жипслашиш

ва бир-бирига таянч бўлиши каби азалий қадриятлари айни эл бошига ташвиш тушганда яққолроқ намоён бўлишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бир неча юз йиллар давомида ўз исботини топган бу олийжаноб хислатларга бугунги эпидемия кунларида ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Карантиндан кейинги даврда давлат органлари фаолиятининг янада шаффофлигини таъминлаш ҳамда давлат хизматчиларининг тизимдаги ротациясини амалга оширишни талаб этади. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар назорат функциясини кучайтириш ҳамда фуқароларнинг жамланувчиларга айланиб қолмасликларини учун тарғибот ишларини кучайтириш лозимлигини билдиради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, карантин бу вақтинчалик чеклов. Айни дамда, жиноят содир этиш инсониятга хос бўлмаган жиҳат дейиш мумкин. Биздан бирлашиш, бир-биримизга ёрдам кўрсатиш талаб этилмоқда. Ўзимизни, яқинларимизни асрайлик.


**Адиба Сафарова, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сийсат тадқиқот институти масъул ходими**

# КАРАНТИН ДАВРИДАГИ КОРРУПЦИЯ

## ёхуд жиноятчилик: муаммо ва таҳлил

# КИТОБ ЎҚИНИГ СОВҒА ОЛАСИЗ

## ТАНЛОВИ САВОЛЛАРИ



### Биринчи савол.

1. Ўткир Ҳошимовнинг "Тушда кечган умрлар" китобида ўзбек халқи ҳаётининг қайси даврлари акс этган?
2. Романдаги афғон уруши фожеаси тасвирланган энг дахшатли эпизодлардан бирини ёзинг. (3-4 жумла).
3. Сиз ўқиган ушбу китобни қайси нашриёт қачон чоп этган?

### Иккинчи савол.

1. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирозавнинг "Қора камар" драмаси қачон, қаерда содир бўлган қайси воқеани ўз ичига олган?
2. Асар қахрамони Хуррамбекнинг қайси гапи Сизни ларзага солди?
3. Асарнинг энг баланд нуқтаси (кульминацияси) қайси ўринда ифодаланган?
4. Бу драмадаги асосий гоя нимадан иборат? (Икки жумла билан ифодаланг).

### Учинчи савол.

1. Америка адаби Эрнест Хемингуэйнинг "Инсонни енгиб бўлмайдми" деган машҳур ибораси қайси асарида қўлланилган?
2. Ушбу асарда ёзувчи инсон иродасини метин ва буквалмас эканлигини, у астойдил ўз мақсади сари интилса, албатта, енгилмаслигини қайси образ орқали мукамал ифодалай олган?
3. Асардан ўзингизга ёққан табиат тасвири 3-4 жумла билан келтириб ўтинг!

### Тўртинчи савол.

1. Севимли ёзувчимиз Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далапар" романи кимга атаб ёзилган?
2. Мазкур асар воқеалари қайси йилларнинг армонларини, битмас жароҳатларини ўзида акс эттирган?
3. Асардан инсон қадри топталган, ўзбек халқининг гурури оёқ ости қилинган, миллат шайни хўрланган энг дахшатли лавҳаларни ёдга олинг (3-4 жумла).

### Бешинчи савол.

1. Чингиз Айтматовнинг "Соҳил бўйлаб чопайган олапар" қиссаси моҳияти нималардан иборат?
2. Асар қахрамонлари номини сананг.
3. Чингиз Айтматов табиат манзаралари орқали инсон иродасини қай тарзда очиб берган?
4. Асардан Сизни таъсирлантирган 3-4 жумлани келтиринг.
5. Бу қиссада Эрнест Хемингуэйнинг қайси асарига ҳамоҳанглик бор?

### Олтинчи савол.

1. Чингиз Айтматовнинг "Қиёмат" романида замин ва инсоният тақдирига қайгуриш ҳисси қайси образнинг қалб изтироблари орқали очиб берилган? Шу образнинг инсоният келажиги ҳақидаги қандай хавотирли ўй-кечинмалари Сизга таъсир қилди? (2-3 жумлада ифодаланг)
2. Романдаги табиат ва инсон, тириклик ва йўқлик борасидаги мушоадалар ҳақида фикрингиз қандай?
3. Асардаги она бўри — Акбара ҳақида нима дея olasиз?

### Еттинчи савол.

1. Ўзбек китобхонларига жуда яхши таниш бўлган грузин адиби Нодар Думбадзенинг "Абадият қонуни" романида ёзувчи "кашф этган" абадият қонуни нима изохланг.
2. Романдаги Мария образини қандай талқин қиласиз?
3. Романда асар қахрамони — машҳур ёзувчининг муҳаббати ҳақида кўнглингиздан кечган фикрларни 3-4 жумлада ифодаланг.

### Саккизинчи савол.

1. Бугунги кунда ўзбек адабиётининг забардаст вакиллари Ҳайриддин Султоновнинг "Онамнинг юрти", Эркин Аъзамнинг "Ступка", Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Бир тойчоқнинг хуни" ҳикояларида ўзбек миллий характерининг қайси жиҳатлари алоҳида маҳорат билан талқин қилинган. Уларда инсон учун муҳим саналган қайси қадриятлар улуғланади? Ўз фикрингизни 5-6 жумлада ифодалашга ҳаракат қилинг.
2. Ушбу ҳикоялар қахрамонлари номини келтиринг.

### Тўққизинчи савол.

1. Халқимизнинг улуг шоири Абдулла Ориповнинг ўзини ўзини энг сара деб бўлган баҳор ҳақидаги шеърдан икки зукотининг ва муҳаббат мавзусидаги шеърдан иккитасининг номини келтиринг.
2. Бу шеърлар қайси жиҳати билан Сизни ўзига ром этди (5-6 қатор изоҳ ёзинг)?

### Ўнинчи савол.

1. Рус адаби ва машҳур актёр Василий Шукшиннинг қайси ҳикояларини ўқигансиз? Ушбу ҳикоялардаги қайси ўзига хос жиҳатлар ва ёзувчи услубидаги бетақроқлик Сизни ўзига ром этган?
2. Ушбу ёзувчининг ҳикояларини қайси ўзбек адибли таржима қилган?

### Ўн биринчи савол.

1. Таниқли ўзбек ёзувчилари Улугбек Ҳамдам ҳамда Луқмон Бўрихоннинг қайси асарларини ўқигансиз?
2. Шу икки адибнинг қайинги пайтда чоп этилган қайси китоби Сизга маъқул келди? (Ўз фикрингизни 3-4 жумлада изохланг).

### Ўн иккинчи савол.

1. Ўзбек халқининг сеvimли ёзувчиси Одил Ёқубовнинг "Муқаддас", "Қанот жуфт бўлади" қиссалари қайси даврларни ҳикоя қилади? Мазкур қиссаларнинг гоёси нимадан иборат?
2. Ушбу адибнинг қайси ҳикоясини ўқигансиз? (Ҳикоядан олган таассуротингизни 3-4 жумлада ифодаланг).

### Ўн учинчи савол.

1. Улуг адибимиз, "Ўткан кунлар" сингари умрбоқий роман муаллифи Абдулла Қодирийнинг қайси ҳажвияларини мутулаа қилгансиз?
2. Ушбу ҳажвияларда замоннинг қайси ориқли нўқталари қаламга олинган?

### Ўн тўртинчи савол.

1. Пиримқул Қодировнинг "Авлодлар довоми" романида Хумоюнга жуда кўп бора ёғийликлар қилган ўғай укаси ким?
2. Ушбу романда Хумоюн ўғай укасини қандай жазога ҳукм қилади?

### Ўн бешинчи савол.

1. Забардаст турк адиби Рашод Нури Гунтекин қаламига мансуб "Чолиқуши" романида ёзувчи қайси даврлар ва қандай ёрқин манзараларни қаламга олган?
2. Асар қахрамонларининг ҳаёти ва муҳаббатига доир гўзал лавҳаларнинг икки учтасини ёдга олинг.
3. Асар бош қахрамони Фериденинг портретини қисқача ифодалаб беринг.

### Ўн олтинчи савол.

1. Мамлакатимизнинг қайси вилоятларида халқимизнинг сеvimли шоир-ёзувчилари номи билан боғлиқ ижод мактаблари бор?
2. Саид Аҳмаднинг "Уфқ" романи халқимиз тарихининг қайси даврларини ўз ичига олади?
3. Романда ўзингизни қаттиқ таъсирлантирган воқеаларни қисқа жумлаларда санаб ўтинг (5-6 жумлада).

### Ўн еттинчи савол.

1. Ёш қалбнинг соф севгиси улугланган муҳаббат мавзусида ўзингиз ўқиган 5 та қисса номини ёзинг.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон руҳиятидаги юксаклик, маънавий қудрат уни барча қийинчиликлардан соғ-омон олиб ўта олади. Руҳдаги қатъият, ишонч, ҳаёт ва тирикликка чексиз муҳаббат ҳар биримизда бетимсол қудрат пайдо қилади. Бу фазилятлар эса энг аввало тафаккур уйғоқлиги туфайлидир. Тафаккурнинг эса китоб ва адабиёт уйғотади. Биз жуда қудратлимиз, шу билан биргаллик адабиётга — қалб дунёсига юз бурмамиз. Шу маънода "Инсон ва қонун" газетаси ва "hudud24.uz" сайти адабий викторина ўтказди. Бу адабий баҳс ғолиблари hudud24 сайтининг қимматбахо совғалари билан тақдирланади. Қуйида сайтда бир ой давомида эълон қилиб борилган саволлар рўйхати келтирилган. Мазкур саволларга жавоблар 2020 йил 15 майга қадар қабул қилинади.

2. Ушбу қиссаларнинг қахрамонлари кимлар?

### Ўн саккизинчи савол.

1. Таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг қайси асарини ўқигансиз? Ёзувчининг ўзига хос услуби ва бадиий ифодалашдаги маҳорати ҳақида нима дея olasиз (3-4 жумлада ифодаланг)?
2. Бугунги ўзбек адабиётининг яна бир вакили Собир Ўнарининг қайси асарларини мутулаа қилгансиз ва ушбу асардан олган таассуротларингиз қандай (4-5 жумлада ифодаланг)?

### Ўн тўққизинчи савол.

1. Ўзбек адабиётининг Иккинчи жаҳон уруши мавзусида ёзилган бешта йирик асарни санаб ўтинг.
2. Раҳмат Файзийнинг "Ҳазрати инсон" романи қайси даврларни ўз ичига олади?

### Ўн иккинчи савол.

1. Вафо ва садоқат куйчиси Ўзбекистон Халқ шоири Зулфиянинг қайси достонларини ва шеърларини сеvim ўқигансиз? Тўрт-бештасининг номини санаб ўтинг.
2. Шоиранинг уруш жароҳатлари ҳақидаги шеърларидан қайсини биласиз? Номларини келтиринг.
3. Зулфиянинг "Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда... Ҳаётни куйлайман, чекина алам" сатрларини давом эттиринг.

### Ўн иккинчи савол.

1. Улуг адиб Саид Аҳмад "Йўқотганларим ва топганларим" асарига йўқотганлар қандай тасвирланган? Йўқотилган нарсаларга уч-тўртта мисол келтиринг.
2. Адибнинг топганлари нима-ларда акс этган?
3. Бу китобдаги энг яхши кўрган хотиралар битилган ижод намуналаридан бештасининг но-

мини айтинг.

### Ўн иккинчи савол.

1. Ўзбек олими Мирзо Улугбек ҳаётининг энг фожиали онлари тасвирланган асар номи ва муаллифини айтинг.
2. Асардан Улугбек даврининг ички зиддиятлари тасвирланган воқеаларни мисол келтиринг.

### Ўн иккинчи савол.

1. Чингиз Айтматовнинг "Биринчи муаллим" қиссаси кимлар томонидан ҳикоя қилинади?
2. Чингиз Айтматовнинг "Юзма-юз" қиссасидаги асар қахрамони Саиданинг охири тутган йўлини қандай изохлайсиз? Фикрингизни 3-4 жумлада қолдириг.

### Ўн иккинчи савол.

1. Нодар Думбадзенинг "Кукарача" асаридagi Инга образи қайси жиҳати билан ўқувчилар меҳрини уйғотади? Уйғота оладими?
2. Машҳур ўзбек адиби Одил Ёқубовнинг қайси қиссаларини ўқигансиз?

### Ўн иккинчи савол.

1. Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" асарига халқимизнинг бошига тушган қайси оғриқли кунлар ҳақида ҳикоя қилинади?
2. Ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг "Одам бўлиш қийин" асарига қайси инсоний туйғуллар алоҳида улуғланади?

### Ўн иккинчи савол.

1. Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева лирикасидаги асосий манзараларни қандай тасаввур қиласиз?
2. Шоиранинг қандай китобларини биласиз ва қайсиларини ўқигансиз?
3. О.Ҳожиеванинг достон, қисса, бади жанрларида ёзилган асарлари номларидан 5-6 та намуна келтиринг.

ХАЛҚИМИЗДА "Гапни гапир уққанга..." деган нақл бор. Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, бу нақлнинг нақадар топиб айтилганлигига гувоҳ бўласан киши.

# Гап уқмаган

## ЖОН

(ВОҶЕИЙ ҲИКОЯ)

**Б**акир ҳам бинойдек йигит эди. Уйланди, бола-чақа орттирди. Андижон шаҳрида жойлашган "Ўзбегим" савдо марказида ошпаз бўлиб ишларди. Бутун мамлакат бўйича карантин эълон қилинди-ю, кўпчилик ташкилотлар қатори уларнинг савдо маркази ҳам ўз фаолиятини қисман тўхтатди. Бакир ҳам ҳақ тўланмайдиган меҳнат таътили беришди. Аввалига Бакир уйдаги ҳаёт жуда ёқиб қолди, хоҳлаганда турасан, хоҳлаганда ётасан, ҳеч ким мушугингни пишт демайди.

овқат тайёрлашни буюрди. Овқат пишганидан кейин эса ароқни очиб, симириб-симириб ичди. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Хотин ҳам унинг яна ароқ ичиб ўтирганлигини кўрганидан кейин фиғони фалакка кўтарилди. "Тўртта боламнинг ризқини қийиб ичяясиз. Ундан кўра шунинг пулига бир кило гўшт олсангиз бўлмасмиди. Қора қозонимиз қайнарди. Гўшт қиммат бўлиб кетганидан бери болалар тўйиб гўшт ейишгани йўқ", деб тинмай жаврашни бошлади. Нима қилсин, хотин ҳар доимгидек ҳақ, Беш нафар фарзандни вояга етказишнинг ўзи буладими? Тўнғич қизини ақинда турмушга узатди. Энг кичик фарзанди эса ҳали уч ёшда. Ҳаммаси ейман, ичман дейди. Аммо хотиннинг дийдиёлари ширин кайфи бузишни қайси эркак хоҳлайди дейсиз. Бакир ҳам хотиннинг гапларига нуқта қўймоқчи бўлиб, гандираклар ўрнidan турди-да, қозон бошида қуймаланаётган хотиннинг олдига бориб, индамасдан чаккасига бир туширди. Аввалига аёл нима бўлганлигини англай олмай қолди. Орадан бир мuddат ўтганидан кейин ўзига келиб, бошидаги рўмонининг учи билан кўз ёшларини артиб, "Мен сендай алкаш эр билан яшамайман. Тўйиб кетдим" деб эрига қараб овозининг борича бақирди. Бу шунча йил давомида кўрсатган азоблари учун эрга нисбатан аёлниги исёни эди.

Бироқ "алкаш" деган сўзни эшитган, Бакирнинг миясига "қон қуйилди", ғазаб отига миниб, хотиннинг олдига пишқириб борди-да, унинг қўлидан шартта ушлаб, унинг дод-войига

қарамасдан кўча томонга қараб судради. Дарвозани катта очиб, уни ташқарига отариб чиқарди-да, "Сен алкаш билан яшама-санг, мен ҳам сендай жанжалкаш хотин билан яшамайман. Қаерга кетсанг, боравер". У хотинини фарзандларидан айририш йўли билан жазоламоқчи эди. Аёл дарвозанинг нариги томонидан туриб "Болаларимни ташлаб қаёққа кетаман. Болаларимни ҳам беринг, отамникига кетаман" деб зорланавергач, уларни онасиз қандай боқишни ўйлаб, Бакир унинг айвонида ота-онасининг жанжалининг қандай тугатишини кузатиб турган тўрт нафар боласини ҳам етаклаб, кўчага олиб чиқиб қўйди.

Уй худди сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Хотин ҳам болаларни олиб, нарироқ кетди шекилли уларнинг овози ҳам эшитилмай қолди. Бакир аввалига боши оғриганлиги учун, бошини чангаллаб сўрида турган кир тўшакка ағанади. Кейин хотиннинг уни "алкаш" деб атагани яна ёдига тушиб, "Мен алкаш эмасман, мен сенин пулинга ичганим йўқ. Мен ўзимнинг пулимга ичяман" дея ошхонага кириб, бир зумда қўлида пичоқ билан қайтиб чиқди, кейин эса хотиннинг таъзирини бериб қўйиш мақсадида кўчага ўтди отилиб чиқди. Бу пайтда хотини уч яшар фарзандининг юзи қирланиб кетган шекилли кўчадаги ариқдан оқиб ўтаётган сувда ювар, қолган фарзандлари эса қўни-қўшнларнинг болалари билан қўшилиб уйнашар эди. Пичоқ кўтариб келаётган эрини қўриб аёл дарҳол ўрнidan турди, кейин Бакирнинг унга қараб

хезланиб келаётганлигини кўриб, ниятини пайқаб қолди шекилли, уларнинг уйи қарама-қаршисида яшовчи қайнонасининг уйи томонга қараб югурди. Бундай вазиятда уни фақат турмуш ўртоғининг онаси кутқариб қола оларди холос. Қайнона бу пайтда сўрида чой ичиб ўтирган экан, аввал жон ҳалпида югуриб келаётган келинини, унинг ортидан пичоқ билан қувиб келаётган ўғлини кўриб, пиласидаги чойини хонтахта устига қўймоқчи бўлиб, устига ағдариб юборди. Қўни-қўшнлар ҳам Бакирнинг мунтазам равишда ичиб келиб, хотинини дўппослашни билганликлари учун бундай уруш-жанжалларга кўникиб кетган эдилар. Шунинг учун ҳамма эр-хотиннинг бақир-чақирини эшитиб ҳам ўрниларидан бир қадам ҳам силжимадилар. Фақат битта қўшни бугун жанжалнинг чўзилиб кетганлигидан хавотир олиб, чиқиб, ҳол-аҳвол сўрамоқчи бўлди. Чиқди-ю, унинг ҳам боши балога қолди. Бакир уни кўриб, қўшнисининг олдига ўзининг эркаклигини, зўрлигини кўрсатиб қўйгиси келдими, устидаги қўйлагини шартта ечиб ташлади, кейин ярим яланғоч ҳолатда аввал пичоқни, акиси билан қўшниси биргалликда пичоқни унинг қўлидан олиб қўйишгач эса, қўлига қаердандир тушиб қолган темир арматуриани "Шуни қорнимга суқиб оламан. Мендан бираўла қутуласизлар" деб жинилик қила бошлади. У маст бўлганлиги учун қутуриб кетган, унга ҳеч кимнинг кучи етмасди.

Она ўғлининг бу аҳволга тушиб қолишида кимни айблашни, кимни айбламасликни ҳам бил-

масди. Вазият тобора мураккаб-лашиб, акиси билан қўшни ҳам Бакирни тинчлантира олмагач, она ИИБга қўнғироқ қилишга мажбур бўлди. Бакир уларни кўрдию, кимдир хабар берганлигини тушуниб етди. Кайфи ҳам бир зумда тарқаб кетди. "Ҳозир мени ИИБга олиб кетишади. Кейин мен қамаламан" деган хаёл билан маҳаллада жойлашган қабристон томонга қараб қоча бошлади.

Суд томонидан тайинланган 15 сутка қамоқ жазосини ўтганидан кейин Бакирнинг ақли кириб қолди. Аммо орадан уч кун ўтганидан кейин "Тарки одат — амри маҳол" деганларидек, яна ичсини бошлади. Бир куни Бакир уйқудан уйғонганида, кечаги ичкилик туфайли боши қаттиқ оғриётганлигини хис қилди. "Ҳозир дўконга чиқиб, ароқ олиб келаман. Шундан кейингина бошимнинг оғриги ҳам босиларди" дея ўйлаб, ўрнidan турмоқчи бўлди. Аммо... аммо... Бакирнинг оёқлари унга бўйсунмасди. Бакир тошдек қотиб қолган оёқларини у ёқ бу ёққа силжитмоқчи бўлди. Аммо оёқлар худди харсанг тошдек ҳеч қайси томонга силжишни хоҳламасди.

Бакир бунга изоҳ беришга ожиз бўлган бир банд эди. Бу унинг қабристонда жойлашган қабрларни босиб ўтганлиги учунми, ҳар куни уни оқ ювиб, оқ тараган, емай едирган, ичмай ичирган онасининг кўз ёшларини шашқатор оқизганлиги учунми, унга беш нафар фарзандни туғиб бериб, унинг наслини давом эттирган турмуш ўртоғининг ортидан пичоқ билан қувлаганлари учунми, кўчага ҳайдалган гулдек фарзандларининг уволи тутганми, Худо қайси гуноҳи учун уни жазолаганлигининг сабабини ҳеч қачон англаб ета олмади.

Нилуфар Мўминова



Лекин "Рўзгор – гор", "Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди", деганларидек, Бакирнинг ойлиқ маоши туғул, жамғариб қуйилган пулнинг ҳам охири кўрина бошлади. Орадан чамаси ярим ой вақт ўтганидан кейин рўзгорнинг ташвишлари ўзининг бутун буй-бастини кўрсата бошлагач, хотиннинг жаврашлари ҳам ортиб борди. Уйга пул топиб келмагач, эрлик обрўси ҳам худди тумандек осмонга кўтариларкан ўзи.

Бугун ҳам Бакир кўчага чиқиб, қишлоқ марказида жойлашган спиртли ичимликлар савдо дўконидан бир шиша ароқ сотиб олиб келди. "Уйга бориб, хотинга бир ширин овқат қилдириб, майдалаб ичиб ўтираман. Қандай гўзал бу олам!" дея ширин хаёл сурди. Уйга келгач, хотинига



## ФЕРМЕРНИНГ ҲАҚКИ УНДИРИЛДИ

**Б**ИЗ биламизки, бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами кундан кун ортиб бормоқда.

Бу борада, Ўрта Чирчиқ туман адлия бўлими томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тadbirkorлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича котибияти кўмагида "Адлия тadbirkorга дўст" ҳамда "Инсон ҳуқуқи – олий қадрият" лойиҳалари асосида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида бир қанча саъй-ҳаракатлар амалга оширилди.

Бинобарин, 2020 йилнинг биргина январь ва февраль ойларида "Равшан", "Журабек хожи", "Солан уз", ва "Минакулова Шахло" фермер ҳўжалиқларининг галла маҳсулотлари учун тўланмаган 1 ярим миллиард сўм пул маблағлари ундириб берилиши таъминланди.

Шунингдек, "Агробанк" АТБ Ўрта Чирчиқ туман филиалидан ноқонуний ишдан бўшатишга Х.Бузаева ва Тошкент вилояти Сув омборларидан фойдаланиш бошқармасидан асоссиз ишдан бўшатишга М.Кўшматовларнинг ҳуқуқлари тикланиб, иш фаолиятини давом эттирмоқда.

**Охун САТИМОВ,**  
Ўрта Чирчиқ туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

## Гайриқонуний тўлов қандай содир бўлди?

ТАХТАКЎПИР туман адлия бўлимига фуқаролар К.Ж ва А.У мурожаат қилишди. Унда туманда жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун ким ошди савдосидан олинган ер участкасига Архитектура режалаштириш топшириги (АРТ) ишлаб чиқилгани учун фуқароларнинг ҳар бири томонидан 2019 йил декабрь ойида тўланган 993.377 сўм жами 1.986.754 пул суммаларининг қонунийлигини ўрганиб бериш сўралган.

Мазкур мурожаат Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани Қурилиш бўлими томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ёрдамида ўрганиб чиқилганда, ҳар иккала фуқаро ҳам якка тартибда уй-жойлар қуриш учун 2018 йил 26 сентябрь кунини Тахтакўпир тумани ҳокимининг қарорига асосан "Ким ошди" савдосида туман ҳудудидан ҳар бирига 400 м<sup>2</sup> ер участкалари ажратиб берилганлиги, туман қурилиш бўлими томонидан ажратилган ер участкасига "АРТ" (архитектура-режалаштириш топширигини) ишлаб чиқиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 4,5 баробари миқдоридан тўлов амалга ошириш лозимлиги билдирилган.

Архитектура-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг Маъмурий регламентининг 1-бандида шаҳарсозлик фаолияти объектини қуриш ёки реконструкция қилишни лойиҳалаштириш учун бу тартиб-

ни ишлаб чиқиш, юридик ва жисмоний шахсларга тақдим этиш тартибининг белгиланиши, Регламентнинг 2-бандида ушбу Регламент қурилиш ва реконструкция қилиш барча турдаги бино ва иншоотларга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари ва ҳудудларнинг қисмлари ривожлантирилишини режалаштириш тўғрисидаги шаҳарсозлик ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар ва талабларни етказиш йўли билан бино ва иншоотлар, муҳандислик-транспорт инфра-тузилмаси линия объектлари, ҳудудларни ободонлаштириш, шунингдек, бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ва молиялаштириш манбалари билан биргаликда амалга оширилган қайта ихтисослаштириш учун АРТни ишлаб чиқиши ва тақдим этилишига нисбатан татбиқ этилиб, якка тартибдаги уй-жойларни қуришда бу талаб этилмаслиги белгиланган.

Тахтакўпир тумани қурилиш бўлими томонидан "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 майдаги қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган "Қурилиш соҳасида рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни бериш тартибларини амалга ошириш мuddатлари ва қийматини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартиби тўғрисида"ги Низомнинг II боб 3-4-бандлари асос тўлов амалга оширилиш лозимлиги кўрсатиб" ўтилган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг

масининг юқорида тилга олинган қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ишбилармонлик муҳитини тўдан яхшилаш ва тadbirkorликка янада кенг эркинлик бериш чора-тadbirkorлари тўғрисида"ги Фармони билан бажариш юзасидан, тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, бинолар ва иншоотларни қуриш учун дастлабки рухсат берувчи ва шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлашда рухсат берувчи тартиботлар мuddатлари ва қийматини қисқартириш, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, 2019 йилнинг декабрь ойида фуқаролар Ж.К ва А.У.ларга ушбу пул суммалари Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 майдаги 150-сон қарорининг 1-илоvasи II-боби асосан тўлатилган.

Ваҳоланки, бу даврга келиб Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 30 майдаги 150-сонли қарорининг 1-илоvasи II-боби Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги 63-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган.

Аниқланган ҳолатлар юзасидан адлия бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси



Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 185-моддасига биноан, Тахтакўпир туман маъмурий судига фуқаролар Ж.К ва А.У.ларнинг манфаатида шикоят аризаси киритилиб, суднинг 2020 йил 9 мартдаги ҳал қилув қарорига асосан Тахтакўпир туман қурилиш бўлими томонидан бўлим ҳисобига фуқаролар К.Ж ва А.У.лар томонидан тўланган 993.377 сўм тўлатилгани гайриқонуний деб топилиб, АРТ тайёрлаш учун тўланган пул суммаларини фуқароларга қайтариб тўлаш мажбурияти туман қурилиш бўлими зиммасига юклатилди.

**Несип КАЛИМБЕТОВ,**  
Тахтакўпир туман адлия бўлими бошлиғи

## ПАЙ УЛУШИ ТўЛАБ БЕРИЛДИ

КОНИМЕХ тумани "Қарақата" овул фуқаролар йиғинига қарашли Маданият овулида баҳорнинг илк кунини ўтказилган сайёр қабулда элликдан ортиқ фуқаролар иштирок этиб, ўзларига тегишли бўлган "Маданият" ширкат ҳўжалигидан пай улушларини ололмасдан келаётганлигидан норози бўлиб мурожаат қилган.

Ҳақиқатан ҳам, Президентимизнинг 2017 йил 16 мартдаги "Чорвачилиқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тadbirkorлар тўғрисида"ги Қарори ва Кониমেх туман ҳокимининг 2017 йил 25 мартдаги қарорига асосан Кониমেх туманидаги "Маданият" ширкат ҳўжалиги фер-

мер ҳўжалиқлари этиб қайта ташкил қилинганлиги ҳамда туман ҳокимининг қарорига асосан "Маданият" ширкат ҳўжалигини фермер ҳўжалиқлари этиб қайта ташкил қилиш бўйича туманда Ишчи гуруҳи тузилганлиги маълум бўлди.

Кониমেх туман адлия бўлими томонидан Ишчи гуруҳ орқали 56 нафар фуқарога пай улуши ўз вақтида тўланмасдан келинаётганлиги аниқланиб, уларни ўз вақтида тўлаб бериш юзасидан Ишчи гуруҳ раҳбарига тақдимнома киритилиб, 170,1 миллион сўм маблағ ўз эгаларига тўлиқ тўлаб берилди.

**Элбек ФАЙЗУЛЛАЕВ,**  
Кониমেх туман адлия бўлими бошлиғи

## ҲОКИМ ҚАРОРИДАН БОШҚАСИ БИР ПУЛ(МИ)?

ТЕРМИЗ туман адлия бўлими томонидан, Термиз тумани "Термиз" маҳалласида яшовчи фуқаро К.Эшқуловнинг Сурхондарё вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси томонидан берилган техник шартга асосан "Гулбахор" маҳалласи ҳудуди бўлган "Мангузар-Хотинработ-Шартуз" автомобиль йўлининг 45 км.да ўз маблағи ҳисобидан вақтинчалик мuddатта замонавий ва намунавий лойиҳа асосида "Авто тураргоҳ" ва енгил металл конструкцияли "Қутиш зали" ҳамда "Ҳожатхона" қуриб фаолияти йўлга қўйилган бўлса-

да, айнан ушбу ер майдонларига туман ҳокимининг қарорига асосан фуқаро Ибрагим Қурбонова "Санитария-гигиена шаҳобча" ва "Ақли бекат" қуриш юзасидан қарор қабул қилинганлиги сабабли фуқаро И.Қурбонов томонидан тadbirkorлик фаолиятига тўсқинлик қилинаётганлигидан норози бўлиб йўллаган мурожаати ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, Термиз туман адлия бўлими томонидан Сурхондарё вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси ва Термиз туман ҳокимлигига тақдимномалар

киритилди ва фуқарога Сурхондарё вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси томонидан берилган техник шарт бекор қилиниб, янгидан техник шарт берилишига эришилди ва фуқаро К.Эшқуловнинг тadbirkorлик фаолияти тикланди.

Термиз туман адлия бўлими томонидан туманда фаолият юритаётган тadbirkorларнинг қонуний ҳуқуқларини тиклаш юзасидан ишлар давом эттирилмоқда.

**Баҳодир Ашуров,**  
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи

## ҲОМИЛАДОР ХОДИМ ИШДАН БўШАТИЛДИ Нега?

**СИРДАРЁ** туман адлия бўлими томонидан фуқаро Н.Анкобаеванин 2020 йил 14 февраль кунини туман ДСЭНМдан ишдан ноқонуний бўшатишга ишга тиклашда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.



Аниқланишича, туман ДСЭНМ бош врачлари в.в.б Э.Норқуловнинг 2019 йил 30 декабрдаги буйруғи билан фуқаро Н.Анкобаеванин ҳомиладор эканлиги ҳақида тиббий ҳулоса бўлган бир вақтда у билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига кўра иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган. Меҳнат кодексининг 237-моддаси яъни ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанин бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни, албатта, ишга жойлаштириш шarti билан бекор қилиниши зарурлиги белгиланган. Ба-шарти, мазкур ташкилотда ушбу қонун талаби бузилган.

Ушбу мурожаат юзасидан туман Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигига тақдимнома таъсир чораси киритилиб, агентлик раҳбарининг буйруғи билан Н.Анкобаева ишга тикланди. Ушбу қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган ДСЭНМнинг мансабдор шахсларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан маъмурий жазо чораси қўллаш тўғрисида туман бандликка кўмаклашиш марказига таклиф киритилди. ДСЭНМнинг 2020 йил 2 мартдаги буйруғи билан фуқаро Наргиза Анкобаева ишга тикланди.

**Азизбек МАВЛОНОВ,**  
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими



